

Турли муносабатларга оид зикрлар



13:00 / 13.12.2018 2789

(давоми)

Тонг отганда ва кеч кирганда қуйидаги дуони ҳам ўқийди:

???? ?????????? ????? ?????????????????? ????? ?????????????????? ?????

????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ???????: «????? ??????»

?????? ??????????????: ?????????? ?????????? ?????????????? ??? ??????????????

????? ?????????????? ?????????? ??? ?????????????????? ?????????? ????

????????????????????? ?????????? ?????????????????????? ?????????????????????? ??????

????????????????? ??? ?????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????

????????????????? ?????????? ?????????????????? ?????????? ??????????????: ??????????????

??? ?????????? ?????????? ??????????».

Абон ибн Усмондан, у отаси розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Ким тонг оттирган чоғи «Бисмиллаҳиллази лаа ядурру маъа исмиҳи шайъун фил арди ва лаа фис самааи ва ҳувас-самийъул-алийм»ни уч марта айтса, кеч киргизгунича унга тўсатдан келадиган бало етмайди. Ким кеч киргизган чоғи айтса ҳам. Яъни ўша кечаси унга тўсатдан келадиган бало етмайди».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Унинг номи ила еру осмонда ҳеч бир нарса зарар етказа олмайдиган Аллоҳнинг номи билан. У ўта эшитувчи ва ўта билувчидир».

Кейин қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқийди:

???? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????

????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????: «????? ??????

?????? ?????????? ?????????? ??????????: ?????????????? ??????????

????????? ?????????????????????????? ?????????? ??????????????????

????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????

?????????????????» . ?????????? ?????????????? ??????????????

Савбон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким эрталаб ва кечқурун «Розийнаа биллааҳи Роббан ва бил Ислами дийнан ва би Муҳаммадин Расулан», деса, Аллоҳ учун уни рози қилиш албатта ҳақ бўлур», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб ва Муҳаммадни Расул деб рози бўлдик».

Кейин бомдод намозининг вақти киргунича истиффор айтиш, Қуръони Карим тиловати, зикр билан машғул бўлиш яхшидир.

Масжидга бориб намоз ўқиш учун кўчага чиқаётиб, уйдан чиқиш дуосини ўқийди.

???? ?????? ?????? ?????? ?????????? ????? ??????????????
??? ????? ?????? ?????? ??????: «????? ?????????? ??????????????
????? ?????????? ??????????: ?????? ?????? ??????????????
?????? ?????????? ??? ?????????? ?????? ?????????? ??????????
?????????»? ??????: «????????? ?????????????? ??????????
????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????
????????????????????? ?????????????? ?????? ?????????????? ??????:
????????? ?????? ?????????????? ?????? ?????????? ??????????????
?????????????» . ?????????? ?????????????? ??????????????

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Киши уйдан чиқаётганда «Бисмиллаҳи, таваккалту ѓалаллооҳи, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи», деса, ўша пайтда унга: «Ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва сақлан-динг», дейилади. Шайтон ундан четланади. Бошқа бир шайтон унга: «Ҳидоят қилинган, кифоя қилинган ва сақланган одамга нима ҳам қила олардинг?» дейди».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳга таваккул қилдим. Ҳол ва қувват фақат Аллоҳ биландир».

Йўлда виқор билан, шошилмай юради ва қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқиб кетади:

???? ????????? t ?????: ??? ???? ???? ?????

???? ??????????: ????????? ???? ?????????

???????? ????????????????? ?????????????

???????????? ????????? ???? ????????????? ????????? ???? ?

???????????? ????????? ????????????? ?????????????

???????????????? ????????????????? ?????????????????

???????????????? ????????? ????????????????? ?????????????

???????????? ????????????? ???? ????????????????? ????????? ???? ?????????

???????????????? ????????? ??????????. ????????????? ????????? ?????????

?????????? ?????? ?????????????? ???????????
?????????? ?????? ?????? ?????????????????????? ??????
????????? ?????? ?????? ???????????.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ким намозга чиққанида «Аллоҳумма! Инни ас-алука би ҳаққис-сааилийна ғалайка ва биҳаққи мамшаайа ҳааза. Лам ахруж аширон ва лаа батирон ва лаа рийа-ан ва лаа сумъатан. Хорожту ибтиғоо мардотика ва иттиқоо сахотика. Асалука ан тунқизани минан-наари. Ва ан тағфиро лии зунубии ва лаа тағфируз-зунуба иллаа анта», деса, то у туриб кетгунича Аллоҳ унга юзланур ва унга истиғфор айтгани етмиш минг фариштани вакил қилур».

Ибн Аби Шайба ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Сендан сўровчиларнинг ҳаққи ила, ушбу юришим ҳаққи ила сўрайман. Мен манманлик ва такаббур, риё ва хўжакўрсин учун чиққаним йўқ. Розилигингни тилаб ва ғзабингдан кўрқиб чиқдим. Мени дўзахдан озод қилишингни ва гуноҳларимни мағфират этишингни сўрайман. Албатта, гуноҳларни Сендан ўзга мағфират қилмас».

“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан